



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамова Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуридинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети


**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Раҳбархон Муртазаева</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
<b>2. Дилором Бобожонова</b> ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
<b>3. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
<b>4. Зумрад Раҳмонкулова</b> МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
<b>5. Манзура Аминова</b> ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
<b>6. Тўлқин Ахмедов</b> ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
<b>7. Мансур Бойсариев</b> ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
<b>8. Фируза Жуманиязова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
<b>9. Мухаммаджон Исамиддинов</b> АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
<b>10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
<b>11. Shohruhbek Mamadaliyev</b> TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
<b>12. Gulnora Maxkamova</b> XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
<b>13. Уктамжон Мансуров</b> VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
<b>14. Шоназар Матякубов</b> XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

<b>15. Отабек Махмудов</b> «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
<b>16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov</b> O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
<b>17. Зухра Ражабова</b> ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
<b>18. Мафтуна Рузикулова</b> ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
<b>19. Хасанбой Рахматиллаев</b> ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
<b>20. Lutfiya Salomova</b> AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
<b>21. Наргиза Сейтимбетова</b> ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
<b>22. Shaxnoza Tursunova</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
<b>23. Икромжон Умаров</b> КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
<b>24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova</b> O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
<b>25. Санъат Худайбергенов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
<b>26. Ҳабиба Ҳасанова</b> 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
<b>27. Ра’но Qodirova</b> 1936-1937 YILLARDA O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192

<b>28. Қосим Қосимов</b> ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
<b>29. Ислом Қаршиев</b> МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
<b>30. Гулжаҳон Шайдуллаева</b> ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
<b>31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova</b> XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
<b>32. Юлдаш Юлдашев</b> ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
<b>33. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
<b>34. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
<b>35. Лазизахон Алиджанова</b> ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
<b>36. Дилрабо Қурбанова</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
<b>37. Камола Саипова</b> УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
<b>38. Аҳадулла Рахматуллаев</b> ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
<b>39. Азамат Ктайбеков</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
<b>40. Гулнора Худойберганава</b> “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293




Гулжаҳон Шопулатовна Шайдуллаева,  
Ўзбекистон Миллий Университети

Манбашунослик, тарихшунослик ва архившунослик кафедраси

**ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС  
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА  
МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ**

**For citation:** Gulzhakhon Sh. Shaidullaeva, CULTURAL AND TRADE RELATIONS IN THE ANALYSIS OF MATERIAL SOURCES CHARACTERISTIC FOR THE OKS CIVILIZATION DISCOVERED IN THE MONUMENTS OF THE KHARAPPAN CULTURE. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.209-221

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485350>

**АННОТАЦИЯ**

Бу мавзу бўйича манбалар етарли экан, Сополли ва Хараппа маданияти ўртасидаги маданий ва савдо алоқаларининг характери масаласини ҳам мушоҳада қилиш, хулосалар чиқариш керак бўлади. Бизнинг кузатувларимиз шуни кўрсатмоқдаки, икки маданият ўртасидаги алоқалар, айрим тадқиқотчилар таъкидлаётганларидек экспансия характерида эмас, балки маданий алоқалар руҳида, оддий савдо қонуниятлари асосида олиб борилган. Агар бу алоқалар экспансия, ёки уруш ҳолатида бўлганда эди, маданиятга оид ашёлардан кўра ҳарбий соҳага оид археологик топилмаларнинг устуворлиги сезилган бўлар эди. Калибанган ва Жарқўтон саройларининг умумий ўхшашликлари, меъморий ечимдаги параллеллик бу алоқаларнинг кульминацион чўққиси, меъморий анъаналарнинг симбиози кечганлигидан далолатдир.

**Калит сўзлар:** Бактрия, Марғиёна, Мохенжо Даро, Кветта, Сополли маданияти, Олтиндепе, Балужистон, Мергар, Карадепе, Номозгоҳ III, Номозгоҳ IV, Шаҳри Сўхта, , Меҳи, Чанху Даро, Шахи, Жукар Тепа Хиссар, Шахдод, Суза.

Гулжаҳон Шопулатовна Шайдуллаева,  
Национальный университет Узбекистана

Кафедра источниковедения, историографии и архивоведения

**КУЛЬТУРНО-ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ В АНАЛИЗЕ МАТЕРИАЛЬНЫХ  
ИСТОЧНИКОВ, ХАРАКТЕРНЫХ ДЛЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ ОКСА, ОБНАРУЖЕННЫХ  
В ПАМЯТНИКАХ ХАРАППСКОЙ КУЛЬТУРЫ**

**АННОТАЦИЯ**

Поскольку источников по этой теме достаточно, необходимо наблюдать и делать выводы о характере культурных и торговых отношений между сопольской и хараппской

культурой. Наши наблюдения показывают, что отношения между двумя культурами носили не экспансионистский характер, как утверждают некоторые исследователи, а в духе культурных отношений, на основе простых торговых законов. Если бы эти отношения находились в состоянии экспансии или войны, то ощущался бы приоритет археологических находок, относящихся к военной области, над предметами культуры. Общее сходство дворцов Калибанган и Джарко'тон, параллелизм в архитектурном решении свидетельствуют о том, что кульминация этих связей, симбиоз архитектурных традиций уже миновали.

**Ключевые слова:** Бактрия, Маргиёна, Мохенджо-Даро, Кветта, культура Сополли, Олтиндепе, Белуджистан, Мергар, Карадепе, Номозгох III, Номозгох IV, Шахри Сохта, Мехи, Чанху Даро, Шахи, Джукар Тепа Хисар, Шахдод, Суза.

**Gulzhakhon Sh. Shaidullaeva,**  
National University of Uzbekistan  
Department of Source Studies,  
Historiography and Archival Studies

## CULTURAL AND TRADE RELATIONS IN THE ANALYSIS OF MATERIAL SOURCES CHARACTERISTIC FOR THE OKS CIVILIZATION DISCOVERED IN THE MONUMENTS OF THE KHARAPPAN CULTURE

### ABSTRACT

Since there are enough sources on this topic, it is necessary to observe and draw conclusions about the nature of cultural and trade relations between the Sopol and Harappan cultures. Our observations show that relations between the two cultures were not of an expansionist nature, as some researchers claim, but in the spirit of cultural relations, based on simple trade laws. If these relations were in a state of expansion or war, then the priority of archaeological finds related to the military area over cultural objects would be felt. The general similarity of the palaces of Kalibangan and Jarko'ton, the parallelism in the architectural solution testify to the fact that the culmination of these connections, the symbiosis of architectural traditions, has already passed.

**Index Terms:** Bactria, Margiona, Mohenjo-Daro, Quetta, Sopolli culture, Oltindepe, Balochistan, Mergar, Karadepe, Nomozgokh III, Nomozgokh IV, Shakhri Sokhta, Mekhi, Chankhu Daro, Shakhi, Djukar Tepa Hisar, Shahdod, Susa.

### 1. Долзарблиги:

Мавзунинг тадқиқ этилиши Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилган Сополли маданиятига характерли бўлган моддий маданият намуналари улар ўртасидаги маданий алоқалар икки томонлама бўлганли нафақат Хараппа маданиятининг Ўрта Осиёга, балки акс таъсир ҳам жуда кучли бўлганлигини, Сополли маданияти моддий маданияти намуналари топилган асосий ёдгорликлар, жумладан Шахи, Мехи, Хураб, Мергар, Мохенжо Даро асосан Қадимги Ҳинд водийсини тенг иккига бўлиб оқадиган Ҳинд дарёсининг ғарбий томонида, Балужистон қисмида жойлашганлигини асослаш, ёдгорликнинг VIII маданий қатламидан Сополли маданиятига хос бўлган жуда кўплаб ашёвий манбаларнинг ўрганилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

### 2. Методлар:

Мазкур илмий мақола қиёсий таҳлил, тарихийлик, илмийлик, узвийлик каби методларга таянилган ҳолда ёзилиб, унда Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилган оқс цивилизациясига хос бўлган моддий манбалар таҳлилида маданий ва савдо алоқалари ўрганилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Хараппа маданияти ёдгорликларида қайд этилган Бактрия ва Маргиёнага хос бўлган металлдан ясалган археологик топилмалар

Сополли маданияти моддий маданиятининг ўзига хос, қайтарилмас жиҳатларидан бири унинг металлдан ясалган буюмларидир. Сополли маданияти металлари тарихи билан иккита

металлшунос олим илмий тадқиқот ишларини олиб боради, улардан бири В Рузанов бўлса, иккинчиси хорижлик Кай Каниутдир. Бири металлларнинг кимёвий таркиби[1], иккинчиси археологик типология ишлари билан шуғулланиб келади[2], аммо металллар асосида маданий алоқалар масаласига эътибор қаратишмаган.

Биз Хараппа ва Сополли маданиятлари металл буюмларини таққослаш ишларини олтинлардан бошласак, негаки уларда инсонларнинг энг нозик ички туйғулари ва кечинмалари ифодаланган бўлади (21-расм, 1, 2, 3).

1985 йили Кветта шаҳрида меҳмонхона қурилиши даврида ишчилар бронза даврига оид қабрга дуч келишган. Қабрдан иккита, бир хил шаклда ясалган олтин бузоқ ва олтин ваза топилган. Мутахассислар томонидан қабр мил. авв. 2000 йил олдинги даврларга тегишли эканлиги қайд этилган. Қабрдан топилган ашёлар тарихи бўйича умумий хулоса қилиниб, Бактрия, Марғиёна ёки Эроннинг бронза даври моддий маданиятларига хос эканлиги ҳам айтилган[3].

Вазанинг баландлиги 8,5 см, диаметри 9,5 см, оғирлиги 100 грамм бўлиб, ҳозирги кунда Карачи миллий музейида сақланади[4].

Олтин вазанинг топилганига бир оз вақт ўтган бўлса-да, бронза даври билан шуғулланувчи, ўрта осиелик мутахассисларнинг эътиборига тушмаган. Бунинг сабаби ҳам маълум, чунки улар бутун эътиборларини Хараппа маданиятининг Бактрияга ёки Марғиёнага маданий таъсир масалаларига қаратган, акс таъсир бўйича биронта тадқиқот эълон қилинмаганлиги шу фикрга келишга асос бўлади.

Қадимги ҳинд цивилизацияси мутахассислари таъкидлаганларидек, олтиндан ясалган бежирим ваза бутун шакли ва шамоили билан Сополли маданияти моддий маданиятига, аниқ қилиб таъкидлайдиган бўлсак, молали даври вазаларига айнан ўхшайди, чунки олтин вазанинг “балясина” шаклли оёқлари, коник кўринишдаги идиш косаси ва гардишлари Сополли маданияти анъанасида ясалган[5]. Вазанинг гардиши 9,2 см, оёғи диаметри 3,6 см.

Идишнинг ташқи тарафида, бир-бирига айнан ўхшамасада, кетма-кет ифодаланган, тўртта шер галаси тасвирланган. Уларнинг бири оғзини ланг, бошқалари юмуқ ёки қия очган ҳолатда тасвирланган. Думларини ифодалашда ҳам ҳар хиллилик сезилади, бириники оёқларига чирмашган, иккинчисиники эса галадаги кейинги шер оёқларига теккан ҳолатда ясалган. Шерларнинг айримлари ўлжага ташланаётган, вазоҳатли кўринишда, бошқалари эса оҳиста ва сокин ҳаракатда, ёлинлари тарам-тарам қилиб ишланган. Шерларнинг узунлиги 6 см, баландлиги 2,6 см қилиб ясалган.

Шерлар Қадимги Шарқ халқлари мифологиясида ерни ифодаловчи, вертикал шаклли, параллел чизиқлар билан безатилган бўртма устида ифодаланган[6]. Бўртма ваза сирти бўйлаб, шерлар оёқлари остида ясалган, бўртманинг диаметри 7 см, қалинлиги 7 мм.

Ушбу ифодавий асар, бўртма тагида ифодаланган, параллел жойлашган, зигзак нақш билан яқунланган. Мифология дунёсида зигзак шакли сувни, денгизни ифодалайди. Демак, ҳайвонлар ҳукмдори шерларнинг оёқлари остида ер ва сув, демакки, дунёвий борлик ифодаланган.

Бактрия вазаси билан бирга топилган кейинги топилма ҳўкизлар тасвирланган олтин терракоталардир. Агар терракоталарнинг ўлчамларини келтирмаса, ҳўкизларнинг ҳар хиллилигини кўз билан илғамаслик мумкин. Биринчи ҳўкиз тасвирининг узунлиги 7 см, иккинчисиники 7,2 см, биринчисининг бўйи 5,4 см, иккинчисиники 5,2 см. Узунлиги ва бўйидаги ҳар хил ўлчам ҳисобига уларнинг оғирлиги бир хил – 30 граммни ташкил этган[7].

Ж.-Ф. Жаррижнинг мақоласида ва Қадимги Ҳиндистон цивилизациясига бағишланган бошқа асарларда бу тасвирга бузоқ сифатида таъриф берилган[8]. Аммо, тасвирланган ифодада ҳайвон шоҳларининг узун қилиб, гавда тузилишининг жуда ҳам кўркам ва етук ҳайвон – говмиш тарзида ифодаланганлиги, туёқларининг тўлиқ шаклланган ҳолатда ясалганлиги бу терракотада ҳўкизнинг ифодаланганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳўкизларнинг гавдаси ён кўринишда, оҳиста қадамлаётган ҳолатда тасвирланган, биринчи ҳўкизнинг бўйни биров гавдаси томон қайрилиб ифодаланганлиги натижасида башараси тўлиқ, иккинчиси эса ярим қайрилган, бурилган кўринишда тасвирланган.

Кветта ва Олтиндепедан топилган олтиндан ясалган хўкиз-терракоталарининг генетик бирлиги хусусида фикр юритса бўлади[9]. Биринчидан, уларнинг энг қимматбаҳо металл, олтиндан ясалганлиги беихтиёр таққослаш учун энг асосий омилдир, ундан сўнг шоҳларининг узун қилиб ясалганлиги, учинчидан кўзларининг қобокларида ярим ой шаклдаги чизиқлар билан қошларининг чизилганлиги, тўртинчидан қулоқларининг бир хил услубда ифодаланиши, бешинчидан бронза даврида терракоталар ҳамда глиптик тасвирларда инсон юзи тасвири ва ҳайвонларнинг башараси ён томонидан ифодаланган. Кветта ва Олтиндепе олтин терракоталарида ифодаланган хўкизларнинг башаралари олд томондан ифодаланган. Бу ҳолатлар Кветта олтин буюмларини Окс цивилизацияси моддий маданияти туркумига киритиш учун асос бўлади[10].

Маълумки, Қадимги Шарқда инсонларнинг бош сиғиниш жойи ибодатхоналар бўлган ва унда худолар ҳар хил ҳайвонлар кўринишидаги ҳайкалчалар тимсолида, масалан Иштар худоси шер, Мардук худоси эса сигир (хўкиз) кўринишида намоён бўлган[11]. Демак, Бактрия ва Балужистон халқларининг диний қарашлари ва тушунчаларида яқинликлар кузатилади ва бу жараён Кветта топилмаларида яққол намоён бўлган.



Сополли ва Хараппа маданиятлари маданий алоқаларини тасдиқловчи яна бир манба ойналардир (22-расм, 13-19). Тўғри, бронзадан ясалган ойналар Қадимги Шарқ цивилизациялари – Месопотамия, Элам, Хараппа маданиятларига ҳам характерли. Аммо, Сополли маданияти ойналари металлга силлиқлаш технологияси ишлатилиб ясалган бўлиб, думалоқ шаклли диска ва қабзадан иборат. Қабзасига ҳар хил безак бериб ишлаш анъанаси характерлидир[12]. Худди шундай ойналар Хараппа маданиятининг Меҳи, Мохенжо Даро (3 та), Хараппа, Ҳураб (2 та) ёдгорликларида қайд этилган (Жадвал. III. 2. 13-19), тадқиқотчилар бу ойналарни Бактрия ва Марғиёна моддий маданиятига характерли деган хулосага келишган[13].








Мергар ва Ҳураб ёдгорликларидан Сополли маданиятига хос бўлган, бронзадан ишланган цилиндроконик ва кубок шаклли идишларнинг топилиши (Жадвал. III. 2.4-5) нафақат ойналар, балки хўжалик идишларида ҳам параллелликлар мавжудлигидан далолат беради. Бу идишлар Сополлитепа бронза идишлари билан айнан ўхшаш бўлиб[5], тадқиқотчида гўёки “бир уста ясаган” деган фикр келади












Мохенжо Даро (4 та) ва Чанху Даро ёдгорликларидан топилган, бронзадан ясалган икки тигли ханжарнинг ва бронзадан ясалган пичоқларнинг (Жадвал. III. 2. 6-12) топилиши қуролланиш соҳасида ҳам ўрганилаётган маданиятлар аҳолиси ҳамкорлик қилишганлигидан далолатдир. Бундай фикрга келишга А.А. Асқаров илмий муомалага киритган Сополлитепа[5] ва Мохенжо Даро ханжарларининг айнанлигидир.

### III.2. Жадвал.

#### Хараппа маданияти ёдгорликларида қайд этилган Бактрия ва Марғиёнага хос бўлган археологик топилмалар бўйича маълумотлар

	Ашё номи	Топилган ёдгорлик номи ва жойи	Хронологик даври		Адабиёт	Чизма ёки сурати
			Сополли маданияти	Хараппа маданияти		
Олтиндан ясалган ашёлар						
	Олтин ваза, диаметр 9,5 см, Вазни 100 гр	Кветта	Молали		Aruz, 2003, P. 384.	
	Хўкиз тасвирли олтин ҳайкалча, вазни 30гр	Кветта, узунлиги 7,2 см баландлиги 5,2 см	Жарқўтон		Jarrige 1988, n° 153-154	

	Хўкиз тасвирли олтин ҳайкалча, вазни 30гр	Кветта, узунлиги 7 см баландлиги 5,4	Жарқўтон		Jarrige 1988, n. 153-154	
Бронзадан ишланган ашёлар						
	Цилиндроконик идиш	Мергар, (MR T3/4B, 1 қабр)	Сополли, Жарқўтон	Мергар, VIII маданий қатлам	Pottier, 1984, fig. 32; Jarrige et al. 1995, fig. 4.23d	
	Кубок	Хураб, (Khur.E.i.251)	Сополли, Жарқўтон		Stein 1937, pl. XVIII	
	Икки тўғли ханжар	Мохенжодаро, (Қазишма 9А, ҳовли VIII, 53 хона)	Сополли, Жарқўтон		Mackay 1938, II, pl. CXIX, 9	
	Икки тўғли ханжар	Мохенжодаро, (Қазишма 14, ҳовли III, 19 хона)	Сополли, Жарқўтон		Mackay 1938, II, pl CXIII, 3	
	Икки тўғли ханжар	Мохенжодаро, (Қазишма 7, ҳовли IV, 70 хона)	Сополли, Жарқўтон		Mackay 1938, pl CXXIII, 3	
	Икки тўғли ханжар	Мохенжодаро, (Қазишма 18, 21 хона)	Сополли, Жарқўтон		Mackay 1938, pl CXX, 1	

0	Икки тигли ханжар	Чанху-Даро, (Sq. 8/B)	Сополли, Жарқўтон		Mackay 1943, pl LXVIII, 15	
1	Бир тигли пичок	Шахи, Кабристон қисм	Сополли, Жарқўтон		Stein 1931, pl. XIII. (Sh. T. vii. 12. d. I)	
2	Бронза пайкон	Кветта	Сополли, Жарқўтон		Jarrige et Hassan 1989, fig. 12	
3	Меҳи, (II.2)	Бронза, 12,5 см	Сополли, Жарқўтон		Stein 1931, pl. XXXII (Mehi II.2.1.a)	 
4	Моҳенжо-Даро, Қазишма 14, Майдон III, Хона 19.	Бронза, 26,7x15 см	Сополли, Жарқўтон		Mackay 1938, pl. CXIV, 1	
5	Моҳенжо-Даро,, Қазишма 1А, Майдон V, Хона 87.	Бронза 22,9x16,5 см	Сополли, Жарқўтон		Mackay 1938, pl. CXXX, 25	
6	Моҳенжо-Даро, Қазишма 7, Майдон IV, Хона 72.	Бронза, 9,1x5 см	Сополли, Жарқўтон		Mackay 1938, pl. CXXX, 26	
7	Хараппа, (J 13/22)	Бронза, 24,75-15,9 см	Сополли, Жарқўтон		Vats 1940, pl. CXXIV, 29	
8	Хураб, (F.i майдони)	Бронза, 25 см	Сополли, Жарқўтон		Stein 1937, pl. XVIII Khur F.i.298	
9	Хураб, (F.i майдони)	Бронза, 25,2 см	Сополли, Жарқўтон		Stein 1937, pl. XVIII Khur.B.i.130	

Сополли ва Хараппа маданиятларининг металлдан ясалган буюмларини таққослаш натижасида шундай хулоса чиқариш мумкинки, биринчидан, Сополли металлсозлик анъаналарининг жанубга маданий таъсири бўлган. Иккинчидан, алоқалар, бир томонлама,

яъни Қадимги Ҳиндистон ва Балужистоннинг Бақтрияга ёки Марғиёнага маданий таъсири доирасида эмас, балки икки томонлама – “таъсир” ва “акс таъсир” характерида бўлган.

Сополли маданиятига хос бўлган “митти колонна”ларнинг Хараппа маданияти ёдгорликларида тарқалиши Окс цивилизацияси моддий маданиятининг бетакрор ашёларидан бири “митти колонна” номи билан адабиётларга кирган, бугунги кунга қадар вазифаси ноаниқ қолаётган археология ашёсидир. У ҳар хил рангдаги мраммар, гипс, хлорит каби юмшоқ таркибли тошлардан ясалган бўлиб, ҳақиқатдан ҳам шакл шихатдан меъморчиликдаги колонналарни эслатади. “Митти колонна”ларнинг ўлчами ҳам ҳар хил, баландлиги ярим метргача боради, асосан 18-37 см атрофида бўлади.





Ушбу буюмларнинг энг характерли жиҳатларидан бири улар ташқи томонидан силлик қилиб ишланган, иккинчи жиҳати ташқи периметри, яъни узунаси бўйлаб чуқурча ясалган, учинчи жиҳати улар тикка туришга мўлжаллаб ясалганлиги учун қуйи қисми кенгроқ қилиб ишланган ва шу жиҳатдан улар колонна шаклига ўхшаб қолган.

Тарқалиш жиҳатдан улар Окс цивилизациясининг деярли барча ёдгорликларида учрайди[14]. Хронологик жиҳатдан энг қадимги митти колонналар Копетдоғ ён бағрида жойлашган, энеолит даврига оид Карадепе, Номозгоҳ III, Номозгоҳ IV, Шаҳри Сўхтанинг II даври[15], Мергарнинг VI даври, Олтиндепе ёдгорликларида учраган. Бронза даврига келиб Туренгтепа, Шаҳри Сўхта, Тепа Хиссар, Шаҳдод, Суза шаҳар харобаларида қайд этилган[16]. Жарқўтон ёдгорлигида оҳақтошдан ясалган варианты кенг тарқалган[17].

Бақтрия ва Марғиёна моддий маданиятига хос бўлган “митти колонна” лар Хараппа маданиятининг Кветта ва Кулли ёдгорликларида ҳам қайд этилган[18] (Жадвал). Улар бутун кўриниши, ўлчами, ясалган ашёсига кўра Окс цивилизациясининг “митти колонна” ларини такрорлайди.

### Жадвал III. 3.

#### Сополли маданиятига хос бўлган “митти колонна”ларнинг Хараппа маданияти ёдгорликларида тарқалиши бўйича маълумот.

№	Топилган ёдгорлик номи ва жойи	Ясалган ашёси ва ўлчами	Хронологик даври		Адабиёт	Чизмаси ёки сурати
			Сополли маданияти	Хараппа маданияти		
1	Кветта «Trésor»	Мраммар, эни 18, бўйи 37 см	Сополли, Жарқўтон		Jarrige et Hassan 1989, fig. 4 et 5	
2	Кулли (X қазишма)	Мраммар, 18,6 см	Сополли, Жарқўтон		Stein 1931, pl. XXIII	
3	Кветта, «Trésor»	Мраммар, 44 см	Сополли, Жарқўтон		Jarrige et Hassan 1989, fig. 4 et 5	
4	Кветта, «Trésor»	Мраммар, 38 см	Сополли, Жарқўтон		Jarrige et Hassan 1989, fig. 4	

Тадқиқотчиларнинг ушбу археологик артефактни айнан Окс цивилизациясига характерли деган хулосага келишларига сабаб, биринчидан уларнинг энг қадимги варианты

Копетдоғ бўйларида жойлашган ёдгорликларда қайд этилган бўлса, иккинчидан улар сон жиҳатдан жуда кўп, Эрон ёки Хараппа маданияти ёдгорликларида эса жуда кам учрайди.

В.И. Сариниди ушбу буюмлар “хаома ичимлигини тайёрлашда, яъни хом ўсимлигини янчишда ишлатилган” деган фикрга келган бўлса [17], К. Абдуллаев қадимги Шарқ глиптикаси ва тасвирий санъат асарларида ифодаланган митти колонналар тасвирлари асосида диний маросимларда “қурбонлик” қўйиладиган таглик деб ҳисоблайди. Ҳар иккала тадқиқотчи ҳам митти колонна периметри бўйлаб ўтказилган чуқурчага эътибор бермайди ва ишончсиз ҳулосага келганлиги яққол сезилиб қолган.

Келтириб ўтганимиздек, мазкур буюмнинг тарқалиш географиясига эътибор берадиган бўлсак, улар Эрон (Туренгтепа, Шаҳри Сўхта, Тепа Хиссар, Шаҳдод, Суза) ва унга қўшни бўлган Балужистон (Кветта, Кулли) ҳудудларида тарқалган. Хараппа маданиятининг энг асосий ва марказий ёдгорликларида мазкур археологик артефакт учрамайди. Агар, жуда кўпчилик олимларнинг мазкур буюми илоҳий, диний эътиқод билан боғлаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, худди шу предмет асосида Оке цивилизацияси аҳолисининг жанубга маданий ва диний таъсир доирасини ҳам белгилаш мумкин бўлади.



**III.4. Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилган Сополли маданиятига хос бўлган муҳрлар.** Илмий нашрларда Сополли маданияти муҳрлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган [20]. Сополли маданияти муҳрлари ҳақидаги илмий тадқиқотларга эътибор берганимизда асосан Қадимги Шарқ цивилизация марказларининг Сополли маданияти глиптикасига таъсири масалалари ёритилганлигининг гувоҳи бўламиз [21].











Шу билан бирга, ўтказилган тадқиқотларда Сополли маданияти глиптикасининг маҳаллий вариантлари ҳам кўрсатиб берилган. Булар асосан геометрик тасвирлар ифодаланган муҳрлар, соч тўғноғич-муҳрлар бўлиб, уларнинг бошқа тарихий ҳудудлар муҳрлари ва глиптикасидан фарқли жиҳатлари ҳам ўрганилган. Биз глиптика соҳасидаги таққослаш ишларимизни Сополли маданияти глиптикасининг маҳаллий вариантлари деб ҳисобланган муҳрлар асосида ташкил этдик. Хараппа маданияти ёдгорликларидан Сополли маданияти маҳаллий вариантларига хос бўлган 12 та муҳр ва муҳр-тўғноғичлар аниқланди (Жадвал III. 4).

Уларнинг тўрттаси Шаҳи [22], учтаси Мергар [23], иккитадан Меҳи [24] ва Жукар [25] ёдгорликларида ҳамда Чанху Даро [26] ёдгорлигида битта муҳр қайд этилган. Шаҳи ва Меҳи ёдгорликларидан топилган, думалок шаклли муҳрлар шакли, ясашиш технологияси, юзасидаги геометрик тасвирлари ва кўламлари билан Сополлитепа муҳрларидан умуман фарқ қилмайди [5]. Худди шундай, Меҳи ва Мергардан топилган, оқ гипсдан тайёрланган муҳрларни ҳам Сополлитепа муҳрлари деб аташ мумкин [5]. Чанху Даро, Меҳи ва Мергар ёдгорликларидан топилган, бронзадан ясалган тўғноғич-муҳрлар ҳам ўз аналогиясини Сополлитепадан топади [5].

Жадвал III. 4.

**Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилган Сополли маданиятига хос бўлган муҳрлар бўйича маълумот**

№	Топилган ёдгорлик номи ва жойи	Ашёси, ўлчами	Хронологик даври		Адабиёт	Чизмаси ёки сурати
			Сополли маданияти	Хараппа маданияти		
1	Шаҳи, 16 қабр, II қазилма	Диаметри 4,5 см қалинлиги 0,67 см	Сополли, жарқўтон		Baghestani 1997, n° 536 (Sh.T.ii.20).	
2	Шаҳи, қабр, XIV қазилма	Диаметри 2,72 см	Сополли, жарқўтон		Baghestani 1997, n° 537 (Sh.T.xiv.1.a)	

3	Шахи, (қабр, XIV қазишма)	Диаметри 2 см	Сополли, жарқўтон		Baghestani 1997, n° 602 (Sh.T.ix.3.a)	
4	Меҳи (III.6 қазишма)	Оқ гипс, диаметри 2,1 см	Сополли, жарқўтон		Stein 1931, pl. XXXI, Mehi.III.6.18	
5	Жхукар	Оқ гипс, диаметри 2,3 см	Сополли, жарқўтон		Mackay 1943, pl. XLIX, 1-9	
6	Жхукар	Оқ гипс, диаметри 2,6 см	Сополли, жарқўтон		Mackay 1943, pl. XLIX, 1-9	
7	Мергар (кенотаф)	Оқ гипс, диаметри 2 см	Сополли, жарқўтон	Мергар, VIII маданий катлам	- Santoni 1988, fig. 2, 25	
8	Шахи (Қабр, vi майдони)	Гипс, 2,7 см	Жарқўтон		Baghestani 1997, n° 598 (Sh.T.vi.29)	
9	Чанху-даро (Sq 8/E, loc 92)	Бронза 5,2 см – диаметри : 0,15 см	Сополли, жарқўтон		Mackay 1943, pl. LXXII, 20	
10	Меҳи	Бронза 15 см	Сополли, жарқўтон		Stein 1931, pl. XXXII, Mehi II.2.2.a	
11	Мергар, (Қазишма MR1 MR T5C)	Бронза	Сополли, жарқўтон	Мергар, VIII маданий катлам	Jarrige et al. 1995, fig. 5.19a	
12	Мергар, (MR N5 AH/1 Iкенатаф)	Бронза	Сополли, жарқўтон	Мергар, VIII маданий катлам	Jarrige et al. 1995, fig. 6.23c	

Бизга маълумки, Хараппа маданияти муҳрлари ва уларда ифодаланган глиптик тасвирлар Қадимги Ҳинд цивилизацияси аҳолисининг мифологик тушунчалари ва фалсафий дунёқарашларини ўзида тўлиқ намоён этган[27]. Уларнинг энг характерли жиҳатларидан бири Хараппа пиктографияси ҳамда қадимги Ҳинд халқлари мифологиясининг уйғунлашганлигидадир[28]. Шунга қарамай, Қадимги Ҳинд глиптикасида Бактрия маданиятига ҳам жой берилган. Бу тушунчани биз таҳлил қилган, Мергар, Меҳи, Чанху Даро, Шахи, Жукардан топилган муҳрлар тўлиқ тасдиқлайди[29].

### **Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилган Сополли маданиятига хос бўлган сурмадон ва ўсмадонлар.**

Ушбу тип топилмаларни алоҳида қисмда ёритишнинг сабаби шундаки, уларнинг айримлари сополдан (3), қолганлари мис ва бронзадан (5), ўсмадон эса глазурдан ясалган. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, глазур (сир) қадимги шарқликлар томонидан бронза даврида кашф этилган ва унутилган технологик жараён ҳисобланади.






Сурмадонлар, айниқса уларнинг бронзадан ясалган турлари Сополли маданияти моддий маданиятининг энг характерли жиҳатларидан бири ҳисобланади[5].

Агар берилаётган жадвалга эътибор берсангиз Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилган сурмадонлар Э. Маскей, А. Стейн, Ж. Маршалл ва Ж. Жарриж тадқиқотлари натижасида фанга кирган. Эслаб ўтилган тадқиқотчиларнинг учтаси Сополли маданияти кашф этилгунга қадар оламдан ўтган бўлса, Ж. Жарриж эса ўз илмий фаолиятини кўпроқ неолит, энеолит ва илк бронза даврларига бағишлаганлиги сабабли мазкур археологик артефакт таққослаш ишларидан четда қолиб кетган.

Сополдан ясалган сурмадонлар Хараппа маданиятининг Хараппа[25], Чанху Даро[25] ва Суткаген-Дор[23], металлдан ясалганлари эса Мохенжо Даро[30], Мергар[31] ва Мўғул[23] ёдгорликларидан топилган. Демак, Сополли маданияти сурмадонлари Хараппа маданиятининг деярли барча ҳудудлари ва ҳаттоки энг йирик шаҳарларигача тарқалган.

### **Жадвал. III. 5.**

#### **Сополли маданиятига хос бўлган сурмадон ва ўсмадонларнинг Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилиши бўйича маълумотлар**

№	Ашё номи	Топилган ёдгорлик номи ва жойи	Хронологик даври		Адабиёт	Чизмаси ёки сурати
			Сополли маданияти	Хараппа маданияти		
1	Сурмадон (сопол)	Чанху-даро, (қазимша 9/С, Locus 291)	Сополли-Жарқўтон		Mackay 1943, pl XXXIX, 22	
2	Сурмадон (сопол)	Хараппа, (Хараппа музейи)	Сополли-Жарқўтон		During-Caspers 1994a, fig. 3	
3	Сурмадон (сопол)	Суткаген-Дор, (қазимша Su.iv.a)	Сополли-Жарқўтон		Stein 1931 pl VII (Su.iv.a.4)	
4	Сурмадон (металл)	Мергар, (қазимша MR1, сектор MR U3 9C/D)	Сополли	Мергар, VIII маданий қатлам	Jarrige et al. 1995, fig. 6.23b	
5	Сурмадон (металл)	Мохенжо-Даро, (6 қазимша, II ҳовли, E(M) шурфи)	Сополли		Marshall 1931, pl CXL, 16	

6	Сурмадон (металл)	Чанху-Даро, (Sq 9/E, loc 201)	Сополли- Жарқўтон		Mackay 1943, pl LXVI, 32	
7	Сурмадон (металл)	Moghul- ghundai 14	Сополли- Жарқўтон		Stein 1929, pl. XII (M.vii.a)	
8	Сурмадон (металл)	Моҳенжо-Даро, (9 казишма, V майдон, 16 хона)	Сополли- Жарқўтон		Mackay 1938, pl CXXVIII, 18 (DK 7659)	
9	Ўсмадон (глазур)	Мергар, (казишма MR1, сектор MR U3 7A, кенотаф)	Сополли- Жарқўтон	Мергар, VIII маданий катлам	Jarrige et al. 1995, fig. 7.25b	

Мергар ёдгорлигидан топилган, глазуранган буйрак шакли ўсмадон (Жадвал. III. 5. 9) Қадимги Шарқ дунёсида маълум бўлган косметик идиш бўлиб, Жарқўтон ёдгорлигидан безатилмаган, нақшланмаган хиллари топилган[19].

### 3. Хулосалар:

Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилган Сополли маданиятига характерли бўлган моддий маданият намуналарига бағишланган бобни яқунлар эканмиз, шундай хулосалар қилишимиз мумкин:

- Сополли ва Хараппа маданиятлари ўртасидаги маданий алоқалар икки томонлама бўлган, нафақат Хараппа маданиятининг Ўрта Осиёга, балки акс таъсир ҳам жуда кучли бўлган;

- Сополли маданиятининг нозик дид билан ишланган моддий маданият намуналари, жумладан ойна, сурмадонлар, ҳарбий соҳага оид бўлган икки тифли ханжарлар Хараппа маданиятининг деярли барча ҳудудларида тарқалган;

- Сополли маданияти моддий маданияти намуналари топилган асосий ёдгорликлар, жумладан Шахи, Меҳи, Хураб, Мергар, Моҳенжо Даро асосан Қадимги Ҳинд водийсини тенг иккига бўлиб оқадиган Ҳинд дарёсининг ғарбий томонида, Балужистон қисмида жойлашган;

Балужистон ҳудуди марказида жойлашган, 200 гектардан ошиқ майдонни эгаллаган, кўп маданий қатламли Мергар ёдгорлиги Бактрия ва Қадимги Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар жараёнида боғловчи вазифасини бажарган. Бундай хулосага қилишнинг асосий сабаби шундаки, ёдгорликнинг VIII маданий қатлаמידан Сополли маданиятига хос бўлган жуда кўплаб ашёвий манбалар топилган. Айниқса, кенотаф қабрларнинг ўрганилиши, уларда Сополли маданияти ашёларининг учраши ҳам шу фикрга асос бўлиб хизмат қилади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Рузанов В.Д. История древней металлургии и горного дела Узбекистана в эпоху бронзы и раннего железа // Автореф. ... канд. ист. наук. – М., 1982.
2. Kai Kaniuth. Long distance imports in the Bronze Age of Southern Central Asia: Recent finds and their implications for chronology and trade // AMIT. Band 42. – Berlin, 2010. P.3-22.
3. Древняя Индия: Страна чудес / Пер. с англ. И. Опимах. – М., 1997. 168 с.
4. Aruz J. Art of the First cities. The Third Millenium B.C. from Mediterranean to the Indus. The Metropolitan Muzeum of Art. New York, 2003. P. 384.
5. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, 1977.
6. Бидерман Ганс. Энциклопедия символов. – М., 1996.

7. Jarrige J.-F. «Le complexe culturel de Mehrgarh (Période VIII) et de Sibri. Le “Trésor” de Quetta», Les cités oubliées de l’Indus. Archéologie du Pakistan, Catalogue de l’exposition du Musée National des Arts Asiatiques Guimet. Paris, 1988. Association Française d’Action Artistique: - P. 111-128. № 153-154.
8. Jarrige J.-F. «Le complexe culturel de Mehrgarh (Période VIII) et de Sibri ... - P. 115.
9. Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. – Л., 1981. 324 с.
10. Jarrige J.-F. «Le complexe culturel de Mehrgarh (Période VIII) et de Sibri. Le “Trésor” de Quetta», Les cités oubliées de l’Indus. Archéologie du Pakistan, Catalogue de l’exposition du Musée National des Arts Asiatiques Guimet. Paris, 1988. Association Française d’Action Artistique: P. 111-113.
11. Бардески К.Д. Месопотамия: колыбель человечества / Пер. с итал. - М.: Изд. «Ниола-Пресс». 2008. 128 с;
12. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977. Табл. XXXVII.
13. Pottier M.-H., Matériel funéraire de la Bactriane méridionale de l’âge du Bronze, Paris, 1984. Recherche sur les civilisations, «Mémoire» № 36.
14. Абдуллаев К. Культ хаомы в древней Центральной Азии. МИЦАИ, 2009. 120 с.
15. Chakrabarti, D. K. The External Trade of the Indus Civilization, New Dehli, Munshiram Manoharlal Publishers, 1990, P. 72.
16. Francfort, H.-P. Fouilles de Shortughai : recherches sur l’Asie centrale protohistorique, Paris, Diffusion de Boccard, 1989, P.363.
17. Дитрих Хуфф, Шайдуллаев Ш.Б.,. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан. ИМКУ, Вып.30, Самарканд, 1999. - С. 25.
18. Stein, A. An archaeological tour in Gedrosia, Calcutta, Government of India Central Publication Branch, Memoirs of the Archaeological Survey of India n° 43, 1931; Jarrige, J.-F. et Usman Hassan, M. «Funerary complex in Baluchistan at the end of the third millenium in the light of recent discoveries at Mehrgarh and Quetta», South Asian Archaeology, 1989, fig. 4 et 5.
19. Дитрих Хуфф, Шайдуллаев Ш.Б. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан. ИМКУ, Вып.30, Самарканд, 1999. - С. 25.
20. Аскарлов А.А. Сапаллитепа. - Ташкент, 1973; Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. - Ташкент, 1977; Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. - Ташкент, 1983; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. - Самарканд, 1993.
21. Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданияти глиптикаси ва сфрагистикаси. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2018.
22. Baghestani, S. Metallene Compatimentsiegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China, Leidorf, Rahden. 1997
23. Stein A. An archaeological tour in Gedrosia, Calcutta, Government of India Central Publication Branch, Memoirs of the Archaeological Survey of India n° 43, 1931.
24. Santoni M. «Aspects matériels des cultures de Sibri et de Mehrgarh VIII (plaine de Kachi, Baluchistan, Pakistan) à la fin du troisième et au début du deuxième millénaires», in L’Asie centrale et ses rapports avec les civilisations orientales des origines à l’Age du Fer, I. J.-C. Gardin (dir.), Paris, 1988, P. 135-141.
25. Mackay, E. Chanhu-daro Excavations 1935-36, New Haven, 1943.
26. Jarrige, J.-F. «La période VIII et les fouilles de Sibri», in Jarrige et al. 1995.
27. Parpola A, New Correspondances between Harappan and Eastern Glyptic Art. Cambridge, 1991, CUP: 176-195.
28. Chakrabarti, D. K. The External Trade of the Indus Civilization, New Dehli, Munshiram Manoharlal Publishers, 1990.
29. Baghestani, S. Metallene Compatimentsiegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China, Leidorf, Rahden. 1997; Stein A. An archaeological tour in Gedrosia, Calcutta, Government of India Central Publication Branch, Memoirs of the Archaeological Survey of India n° 43, 1931;

- Santoni M. «Aspects matériels des cultures de Sibri et de Mehrgarh VIII (plaine de Kachi, Baluchistan, Pakistan) à la fin du troisième et au début du deuxième millénaires», in L'Asie centrale et ses rapports avec les civilisations orientales des origines à l'Age du Fer, I. J.-C. Gardin (dir.), Paris, 1988, P. 135-141; Mackay, E. Chanhu-daro Excavations 1935-36, New Haven, 1943; Jarrige, J.-F. «La période VIII et les fouilles de Sibri», in Jarrige et al. 1995.
30. Marshall J. Mohenjo-daro and the Indus civilization, 3 vol., Londres, 1931.
31. Jarrige C., Jarrige J.-F., Meadow R.H. et Quivron G. Mehrgarh fieldsreport 1974-1985. From Neolithic Times to the Indus Civilization: the reports of eleven seasons of excavations in Kachi district, Balochistan by the french archaeological mission in Pakistan, Karachi, Golden Graphics Limited. 1995.

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000